



**Ўрнига ўтирадиган нарсадир. Туя ёки молни бўйнига бирор бир ҳаж қурбонлигини билдирадиган белгини қўйиб қўйса ҳам бўлади. Киши муҳрим бўлишлиги учун талбия ёки унинг ўрнига ўтирадиган нарсани топилиши зарурдир. Агар ҳаж қилишни ният қилса-ю, талбия айтмаса ёки талбия айтиб ҳаж қилишни ният қилмаса, эҳромга киргувчи бўлмайди” (Раддул муҳтор).**

## **ЭҲРОМ КИЙИМИ**

Эҳром сифатида ўраладиган икки мато ҳақиқатда эҳром ҳисобланмайди. Балки, у тикилмаган мато бўлиб, эҳромдаги инсон уни кийиши керак бўлган нарса халос. Лекин, омма халқ ўша икки матонигина эҳром ва унга кийган кишини муҳрим деб ўйлайдилар. Аслида, ҳаж ёки умра нияти билан талбия айтишга эҳром дейилади. Икки мато эса, намоздаги каби авратни тўсишга керак бўладиган кийим каби халос.

Эркак киши умра ёки ҳаж ниятида тикилган кийим кийиши жоиз эмас. Агар тикилган кийим кийса, каффорат вожиб бўлади. Масалан, ёқоаси йўқ кўйлак, иштон, қўлқоп, маҳси, майка, дўппи, костюм, камзул кабилар. Агар эркак киши юқоридаги кийимлардан бирортасини эҳром ҳолатида кийиб олса, жарима ва фидя лозим бўлади. Шунинг учун эҳром кийимлари тикилмаган бўлиши шартдир. Эҳромнинг суннати икки мато олиб, бирини лунги каби, иккинчисини эса, катта сочиқ каби елкасига ташлаб олишдир. Фақат тавоф вақтида юқорисига ташлаб олган катта сочиқ каби матони чап елкасини очиб қўлтиғини остидан ўтказиб олади.

## **ЭҲРОМ ҲОЛАТИДА ТИКИЛГАН КИЙИМ КИЙИШ**

Эҳром ҳолатида эркак кишилар тикилган кийим кийишлари жоиз эмас. Киши қоматига муносиб шаклда тикилган кийимни кийиб олиши жоиз эмас. Лекин, шим ёки шалвар тарзида бўлмай қоп каби тикилиб, икки томонини очиб олинса, зарари йўқ, яъни кароҳиятсиз жоиздир.

**وَضَعَبٌ وَأَنْدَبٌ رَدَقٌ يَلَعُ لُؤْمُغَمَّ لُكَّيْ أَلِيَّ وَارَسَوْ صِيْمَقَ سُبُلُو**

**“Эҳромдаги кишига кўйлак, шалвор каби баданнинг ҳаммаси ёки баъзисига муносиб қилиб тикилган кийимларни кийиш жоиз бўлмайди” (Раддул муҳтор).**

**ثِيَابٍ وَضَعَبٌ وَأَنْدَبٌ لِرَدَقِ يَلَعُ لُؤْمُغَمَّ لُكَّيْ شَيْءٌ سُبُلٌ هَطَبٌ أَصْنَانٌ  
لُكَّيْ سَمْتٌ سَيِّوْ أَمْ وَرِيْعٌ وَأَضْعَبٌ وَضَعَبٌ قِيَزَلَتْ وَأَطَايْحٌ وَبَطِيْحِي  
هُضْعَبٌ طِيْحٌ أَمْ جَرَحٌ : تَلُقُ بَعْدَ كُمْ أَلِ أَلِ وَلِ شِمِّ سُبُلٌ سَفَنٌ هَيْلَعُ  
أَمْ وَ سُبُلٌ سَبُّ أَلِ فَعَقْرُ مَلِ أَلِ شِمِّ نَدَبٌ لِبَطِيْحِي ثِيَابٍ أَلِ وَضَعَبٌ**

“Қоматини ҳаммаси ёки баъзисини одатда ёпиб турадиган қилиб тикилган ёки баъзисини баъзисига ёпиштирилган бўлиб кийишини ўзи билан унга мос келадиган ҳолатдаги кийимни кийиш жоиз эмас. Шундан келиб чиқиб айтаманки, банда мос келмайдиган ҳолатда баъзиси баъзисига қўшиб қўйилган нарсаларни кийишда зарар йўқ” (Раддул мухтор).

Эҳром вақтида тикилган кийим киймаслик афзал ҳисобланади.

**Фойда:** Бу маълумотлар кўпчиликни табиати ва маълумотига хилоф бўлиб туйилиши мумкин. Лекин, китобларни кўриб чиққанларидан кейин ин ша Аллоҳ турли безовталиклар улардан йироқлашади.

### ЭҲРОМ КИЙИМИГА ЧЎНТАК ТИКИШ

Эҳромнинг юқори қисмига ҳам, паст қисмига ҳам пул, паспорт ва бошқа шу каби нарсаларни сақлаш учун чўнтак тикиш жоиздир. Шунингдек, икки эҳром кийимини бир-бирига қўшиб юбориш ҳам кароҳиятсиз жоиздир.

### ЭҲРОМ ДУОСИ

Ҳожи эҳромга киришидан олдин таҳорат, ғусл қилиб, икки ракъат нафл намоз ўқийди. Сўнг умра қилмай фақат ҳаж қилмоқчи бўлса, қуйидаги дуони ўқийди:

يٰۤاَيُّهَا اللهُمَّ اِنِّي اُرِيْدُ الْحَجَّ اَوْ الْعُمْْرَةَ اِنِّي اُرِيْدُكَ اِنِّي اُرِيْدُكَ

«Аллоҳумма иннии урийдул ҳажжа фа яссирху лий ва тақоббалху миннии».

Маъноси: **Эй Аллоҳ, мен ҳаж қилмоқни ирода қиламан, уни менга осон этгил ва қабул айлагил.**

Агар қирон қилувчи бўлса, яъни ҳаж билан умрага битта эҳромга кирган бўлса, қуйидаги лафзлар билан дуо қилади:

يٰۤاَيُّهَا اللهُمَّ اِنِّي اُرِيْدُ الْحَجَّ اَوْ الْعُمْْرَةَ اِنِّي اُرِيْدُكَ اِنِّي اُرِيْدُكَ

«Аллоҳумма иннии урийдул умрата вал-ҳажжа фа яссирхума лии ва тақоббалхума миннии»

Маъноси: **Эй Аллоҳ, мен умра ва ҳаж қилишни ирода қиламан, уларни менга осон этгил ва қабул айлагил.**

Агар таматтуъ қилмоқчи бўлса, яъни аввал умрага эҳром боғлаб, уни тўлиқ адо қилиб бўлгач эҳромдан чиқиб ҳажга эҳром боғламоқчи бўлса, қуйидаги



**Эҳромга киришнинг кўриниши:** Намозга кирмоқчи бўлган киши аввало таҳорат олиб, аврат жойларини беркитиб, қиблага юзланиб, ўқимоқчи бўлган намозини ният қилади ва қўлларини кўтариб: “Аллоҳу акбар” дейди. Шунингдек, ҳаж ёки умра эҳромига кирмоқчи бўлган киши ғусул қилиб, тикилган кийимларини ечиб, икки матодан бирини елкасига ташлаб, иккинчиси билан киндик остини беркитиб, икки ракъат намоз ўқийди. Сўнг ҳаж ёки умрага ният қилиб, талбия сўзларини айтади ва шу билан муҳрим кишига айланиб қолади. Бу ерда ҳожининг эғнидаги кийимлар намозхоннинг эғнидаги кийим манзилида, ният эса намоздаги ниятни манзилида, талбия лафзлари эса намоздаги “Аллоҳу акбар” лафзи манзилидадир.

### **БИРИНЧИ ТАЛБИЯНИ ҚАЧОН АЙТИЛИНАДИ?**

Икки ракъат эҳром намозини адо қилингандан кейин намоз саломига улаган ҳолда эҳром нияти билан биринчи талбия айтилади. Шу боис эҳром намози, ҳаж ёки умра нияти ва талбияси орасида узулиш бўлмаслиги лозим. Агар ўртада узоқ муддат узулиш бўлса, суннат қилинган эҳром боғлашга амал қилмаган ва суннатнинг савобидан маҳрум бўлган бўлади. Фақиҳлар буни жуда катта аҳамият билан баён қилганлар.

يُؤَنَّتْ تَنْأُو ، رَهْالْصَّلَاةِ بِبِقَعِّ بَلَّيْ أَجَّحْ لَ اَوْ بَ يَؤُنَّتْ لِكِتَالِ صَرْبُ دَبَّ لَو  
رَهْ بَلَّ لَلْ اَبَّ جَّحْ لَ ا

**“Намозингни тугатибоқ ҳажни ният қилиб, талби айтгин”** (Табйийнул ҳақоик).

سَلَّاجٌ وَهُوَ مَارِحٌ اِلَّا يَتَعَكَّرُ بِبِقَعِّ يَبْلِي وَيُؤَنِّي نَ اِبْحَتِ سَيَّ هَ اِن

**“Эҳромга кириш учун ўқиган икки ракъат намози орқасиданла салом бериб ўтирган ҳолатида ҳаж ёки умрани ният қилиб, талбия айтиши мустаҳабдир”** (Мирқотул мафотих).

### **ТАЛБИЯ АЙТИШНИ КЎПАЙТИРИШ**

Ҳаж ёки умрага эҳром боғлагандан кейин кўп бор талбия айтиш мустаҳаб ва суннатдир. Ўтириб, юриб ва ҳар қадамда талбия айтишни давом эттириш лозим. Ҳадисларда талбияси кўп ҳаж афзал ҳаж дейилган.

مَلَسُو هِيَ لَعْلَلْ اِلَّا صَيَّبَنَّ لَ اِنَّ هُنَّ عَهْلُ لَ اِي صَرَقِيَّ دَّصَلَّ اِرْكَبَ يَبَّ اَنَّ ع  
جَّ ثَلَّ اَوْ جَّ عْلَ اِلَّا اَقْ ؟ لَ صَفَّ اَجَّحْ لَ اِيَّ اِلَّ اِسْ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қайси ҳаж афзалдир?” деб сўралдилар. У зот:**

**“Баланд овозда талбия айтилгани ва қон оқизилгани”, дедилар”**  
(Термизий ривояти).

نَمَامٌ لِّأَقْمَلِ سَوَّهِ لَعَلَّ يَصَّيَّبُ النَّعْوَ عَنَّا لِيَضْرِبَ صَرْبًا سَنَعِ  
رَدْمٌ وَأَرْحَشٌ وَأَرْحَحٌ نَمَوْلَامَشْ نَعْوَوْنَ يَمَيُّنُ عَنَّا نَمَّيَّبُ لِيَضْرِبَ صَرْبًا سَنَعِ  
يُذِمُّ رَّتَّ الْأَمُّوَرِ. أَنُوهَا وَانُوهَا نَمُضْرَأَلْ عَطَقُ نَتَّيَّتْ

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қай бир мусулмон талбия айтса, албатта, унинг чап ва ўнгидаги ер тугагунча бўлган ердаги тошлар, дарахтлар ва кесаклар ҳам талбия айтади», дедилар».**

Иккисини Имом Термизий ривоят қилган.

## ҲАЖНИНГ ТАЛБИЯСИ ҚАЧОН ТЎХТАТИЛАДИ?

Ҳажнинг талбияси ҳаж қилувчи жамраи ақоба[1]нинг тошларини отгунича давом эттиради. Жамраи ақоба толаларини отиш билан талбия айтиш тўхтатилади ва тош отиш дуоси ўқилади.

فَدْرَأْمَلِ سَوَّهِ لَعَلَّ يَصَّيَّبُ النَّعْوَ نَأُوهَا عَنَّا لِيَضْرِبَ صَرْبًا سَنَعِ  
هَلَّ يَصَّيَّبُ النَّعْوَ نَأُوهَا عَنَّا لِيَضْرِبَ صَرْبًا سَنَعِ نَمَّيَّبُ لِيَضْرِبَ صَرْبًا سَنَعِ  
عَطَقُ نَتَّيَّتْ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамъдан Миногача Фазлни мингаштириб келдилар. Фазл менга хабар беришича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам то Ақобада тош отгунларича талбия айтишда бардавом бўлганлар».**

Тўртовлари ривоят қилишган.

Шунингдек, тош отишдан кейин қилинадиган ҳаж амалларини адо қилиб, уларнинг дуолари ўқилади.

## УМАРНИНГ ТАЛБИЯСИ ҚАЧОН ТЎХТАТИЛАДИ?

Умранинг талбияси тавоф қилишга киришилган вақтда тўхтатилиши лозимдир.

لَا قَوْلَ مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصِيَّبُ لَنَا نَعْنَعُ لَلَّ يَصْرَسُ أَبَعْنُ بَانَ ع  
يَذْمُرُ لَوَادُ وَبَأْ هَاوَرُ رَحَّ لَمَلَسِي يَتَحْرُمُ لَمَلَسِي يَبْلِي

*Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Умра қилувчи то ҳажарни истилом[2] қилгунича талбия айтади», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

## **ЭҲРОМ ВАҚТИДА НИЯТ ҚАЧОН ҚИЛИНАДИ?**

Эҳром ниятида талбия айтиш ёки талбия ўрнига ўтадиган зикрларни эҳром ниятида айтиш билан эҳромга кирган ҳисобланади ва эҳром дуруст бўлади. Эҳром дуруст бўлиши учун ҳаж ёки умрадан бирини тайин қилиш шарт эмас. Балки, усиз ҳам эҳромга кирса бўлади ва эҳромга киргандан кейин ҳаж ёки умрадан бирини тайин қилиб қўяди.

امكح ولو اهم اقم موقوي ام و اة ببلت ل ا ب ا ه ت ن ر ا ق م ا ه ط ر ش ف ة ي ن ل ا ا م ا  
ن ا و ة و ل ص ل ا ي ف ا م ك ي ب ن ج ا ل ص ا ف ا ه د ع ب د ج و ي م ل و ه ب ل ق ن م ه م ز ع ن ا ب  
و ا ن ا ر ق و ا ة ر م ع و ا ج ح ن م ه ب م ر ح ي ا م ه ب ل ق ب ي و ن ي ف ب ل ق ل ا ب ن و ك ت  
ن ي ي ع ت ر ي غ ن م ك س ن

**“Ҳаж ёки умрани ният қилгандан кейин орқасиданоқ талбия айтиш шартдир. Ҳудди намоздагидек. Ният билан талбия ўртасини лағв нарсалар билан ажратмаслик лозим. Ҳажга, умрага, қиронга ёки бирор нускка эҳромга қираётган бўлса, қалби билан ният қилсин”** (Ғуния жадийд).

## **МУБҲАМ НИЯТ БИЛАН ЭҲРОМ БОҒЛАШ**

Ҳаж, умра, қирон ёки таматтуъни ният қилмай мубҳам тарзда эҳром боғланса, амалларга киришишдан олдин улардан бирини тайин қилиб қўйса жоиз бўлади. Масалан, бир киши мийқотда ҳамма эҳромга қираётганини кўриб, ҳаж, умра, қирон ёки таматтуълардан бирини тайин қилмай мен ҳам эҳромга кирдим деб ният қилсаса, сўнг йўлда одамлар ўзаро гаплашиб кетаётганларида улардан бири ҳаж ниятида, бошқаси умра ниятида эҳром боғлаганини эшитиб, у ҳам амалларга киришишдан олдин ҳаж ёки умра ёки қирон ёки таматтуъдан бирини тайин қилиб олиши жоиздир ва шундан кейин тайин қилинган ҳаж ёки умра ёки қирондан бирини амалларини бажаришга киришади.



**“Бир киши ҳажни ирода қилиб чиқиб, ҳаж ва умрадан бирортасини тайин қилмай эҳромга кирса, ибодатлар аввалда қилинган ният билан жоиз бўлишига биноан у ҳажга эҳромга кирган бўлади”** (Ғуния жадиид).

### **МУТЛАҚО ҲАЖНИ НИЯТ ҚИЛИБ ЭҲРОМГА КИРИШ**

Бирор кишининг зиммасига ҳаж фарз бўлса ва мутлақо ҳажни ният қилиб эҳромга кирса, лекин зиммасидаги фарз ҳажни ният қилмаса ва тайин қилмаса, унинг эҳроми фарз қилинган ҳаждан ўтади. Агар у киши зиммасидаги фарз ҳажни адо қилган бўлса, кирган эҳроми нафл ҳаждан ўтади. Шу боис мутлоқ ният билан нафл ҳаж дуруст бўлади.

**اعوطت ال ةضيرف يوني ال ةححب مرحاف مالسالال ةحح ةيلع ناك نومو  
اناسحتسا مالسالال ةحح نع يهف**

**“Кимнингдир зиммасида фарз бўлган ҳаж бўлса ва фар ёки нафлни тайин қилмай ҳаж эҳромга кирса, ижмо йўлига кўра фарз бўлган ҳажидан эҳромга кирган бўлади”** (Ғуния жадиид).

### **БОШҚА КИШИГА ТАҚЛИД ҚИЛИБ ЭҲРОМ БОҒЛАШ**

Бир киши: “Фалон киши каби эҳром боғладим” деса, масалан, бир киши ҳаж ва умранинг амалларидан беҳабар бўлиб, бошқа кишига қараб уларни бажармоқчи бўлса ва эҳромга кираётган пайтда: “Фалончи ҳаж ёки умрадан қайси бирига эҳромга кирган бўлса, мен ҳам ўша учун эҳромга кирдим” деса ва унга қараб ҳаж ёки умра амалларини бажарса, унинг эҳроми ҳам қилган амаллари ҳам дуруст бўлади.

“Ҳажжатул видоъ” куни Али розияллоҳу анҳу Ямандан Маккаи мукаррамага келиб, мийқотдан эҳромга кирган пайтларида ҳаж ёки умрадан бирини тайин қилмай эҳром боғлаб: “Икки олам сарвари нима учун эҳромга кирган бўлсалар ўша учун эҳромга кирдим” деганлар ва у кишининг қилган ҳажлари Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қилган ҳажлари каби ҳаж бўлган.

**نم هريغ هب مرحا ام لثم همزلو وعورش حص هريغ هب مرحا ام ب مرحا ولو  
همزلي ف هبم وهف هريغ هب مرحا ام ب ملعي مل ناف نارق وا ةرمع وا حح  
خلا ةرمع وا ةحح**

**“Бир киши бошқа кишига тақлид қилиб эҳромга кирса, эҳромга киришлиги дуруст бўлади ва тақлид қилинган киши ҳаж ёки умра**



**иккаласини ҳам ният қилса, ният қилган нарсаси эътиборга олинади**  
” (Фуния жадийд).

### **НИМАГА ЭХРОМГА КИРГАНИНИ УНИТИБ ҚЎЙИШ**

Бир киши ҳаж ёки умра ёки қирондан бирини тайин қилиб эҳромга кирса, сўнг қайси бирига эҳромга кирганини унитиб қўйса, диққат эътиборини бир жойга жамлаб таҳаррий, яъни қасд қилади ва гумон қайси бирига ғолиб бўлса, ўшани бажаради. Агар гумонида ҳаж ёки умра ёки қирондан қайси бирини ният қилганлиги гумони ғолиб бўлмаса, яъни учаласи ҳам тенг бўлса, қиронга амал қилиш лозим бўлади, яъни ўша эҳром билан биринчи умрани кейин ҳаж амалларини бажаради. Лекин, унинг зиммасига қирон қони лозим бўлмайди. Чунки, у киши амалда қирон амалини қилгани билан шариатда қирон қилувчи ҳисобланмайди.

**هَي ف ك ش و ا ه ي س ن م ث ن ا ر ق و ا ة ر م ع و ا ح ح ك ن ي ع م د ح ا و ء ي ش ب م ر ح ا و ل و  
ة ر م ع و ة ح ح ة م ز ل ء ي ش ي ل ع ه ي ر ح ت ع ق ي م ل ن ا و ر ح ت ل ا ع ف ا ل ل ب ق  
م د ق ي و ا م ه ن ي ب ن ر ق ي ن ا م ز ل و ن ي ق ي ب ة د ع ل ل ا ن ع ر خ ي ل ا ط ا ي ت ح ا  
خ ل ل ا ن ا ر ق ل ل ا ي د ه ة م ز ل ي ا ل ف ا ي ع ر ش ا ن ا ر ا ق ن و ك ي ا ل و ه ي ل ع ا ه ل ا ع ف ا**

**“Ҳаж ёки умра ёки қирондан муайян биттасига эҳромга кирган бўлса, сўнг қайси бирига эҳромга кирганлигини унитиб қўйса ёки амалларга киришишдан аввал қайси бирига эҳромга кирганлигида шак қилиб қолса, таҳаррий қилади, яъни фалон нарсага эҳромга кирганман деб қасд қилади. Агар улардан бирортасига гумони ғолиб келмаса, эҳтиётан зиммасига олган нарсасидан аниқ чиқишлиги учун иккисини бир эҳромда қилиб, ҳаж ва умра қилиши лозим бўлади ва умранинг амалларини ҳаждан олдин тақдим қилади. Лекин, у киши шаръий қирон қилувчи бўлмайди ва қироннинг қурбонлиги зиммасига вожиб бўлмайди”** (Фуния жадийд).

### **БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН БОЛАНИНГ ЭХРОМИ**

Балоғатга етмаган болалар икки қисмга бўлинадилар. Биринчиси, намоз, рўза, ҳаж ва закотни билмайдиган балоғатга етмаган болалар. Буларни шариатда ғойри мумаййз (ҳақ ва ноҳақни ажрата олмайдиган ёшдаги болалар) дейилади. Бундай ҳолатда, боланинг номидан боланинг отаси ёки онаси ёки валийси ҳаж ёки умрани ният қилади.

Иккинчиси, намоз, рўза, ҳаж ва бошқа амалларни яхши тушунадиган балоғатга етмаган болалар. Бундай болалар ўз ниятлари билан эҳромга кирадилар ва уларнинг номларидан бирор киши ният қилиши дуруст эмас.

اذكوه س فنب مرحا اذا صرف ل ل ال ل فن ل ل زيم م ل ي ب ص ل ل ا م ا ر ح ا د ق ع ن ي  
ي ف ه ن ع ة ب ا ي ن ل ا ح ص ي ال ز ي م م ل ا ف ه ي ل و ه ن ع م ر ح ا ا ذ ا ز ي م م ل ا ر ي غ  
ه س ف ن ب م ر ح ي ف ه ي ل ع ر د ق ت م ل ا م ي ف ال ل ا ع ا ل ا ء ا د ا ي ف ال و م ا ر ح ال ا  
ر ي غ ا م ا غ ل ا ب ل ل ا ل ع ف ي ا م ك ل ع ف ي و ه س ف ن ب ا ه ل ك ك س ا ن م ل ا ي ص ق ي و  
خ ل ه س ف ن ب م ر ح ي ن ا ح ص ي ال ف ز ي م م ل ا

“Мумаййиз бўлган сабийнинг эҳроми нафл учун бўлиб, фарздан адо бўлмайди. Гарчи ўзи эҳромга кирган бўлсада. Шунингдек, ғойри мумаййизнинг валийси унинг томонидан эҳромга кирсада қилган ҳажи нафл бўлади. Мумаййизнинг тарафидан ундан бошқаси эҳромга киришда, ҳаж амалларини адо қилишда ноиб бўлиши дуруст бўлмайди. Қодир бўлмаса, жоиздир. Мумаййиз ўзи эҳромга кириб, ҳаж амалларини барчасини ўзи бажаради ва балоғатга етган бола қанай ҳаж қилса, ўшандай қилади. Ғойри мумаййиз эса, ўзи эҳромга кириши дуруст бўлмайди” (Ғуния жадийд).

Ушбу икки турдаги балоғатга етмаган болалар томонидан бажарилган ҳаж амали нафл ҳаж ҳисобланади ва унинг савоби боланинг ота-онасига бўлади.

هَوَيْلَعُ هَلَلِ اِيْلَصِيْبِنِ لَاتِ اَسَّهْ اَرْمَانَاْ اُمُهَنْعُهُ لَلَا يَصْرَسَابَعِنْ بَانِ  
رُحَا كَلَو , مَعْن : ل ا ق ؟ ح ح ن م ا ذ و ل ل ه ي ب ص ن ع م ل س و

*Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

“Бир аёл Набий соллаллоху алайҳи васалламдан сабийни ҳажи ҳаж бўладими?” деб сўради. У зот: “Ҳа, ажри сенга бўлади” дедилар” (Таҳовий ривояти).

**Фойда:** Мумаййиз - намоз, рўза, ҳаж ва закотларни тушунадиган, яхши билан ёмонни ажрата оладиган балоғатга етмаган боладир.

**Ғойри мумаййиз** - намоз, рўза, ҳаж ва закотларни тушунмайдиган, яхши билан ёмонни ажрата олмайдиган балоғатга етмаган боладир.

## **БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН БОЛАНИНГ ЭҲРОМИНИ КАФФОРАТИ ЙЎҚ**

Балоғатга етмаган бола эҳромдалиқ ҳолатида қон ёки каффорат вожиб бўладиган бирор иш қилиб қўйса, балоғатга етмаган бола мукаллаф бўлмагани учун унга ҳам, унинг валийсига ҳам қон ҳам каффорат ҳам лозим бўлмайди. Чунки, бу жинойт валийнинг жинойти эмас. Лекин, валий бола эҳромга кирганидан кейин у билан юриб, эҳромда таъқиқланган нарсалардан болани огоҳлантириб юришга ҳаракат қилиши керак.

هل مرحا اذاو ءادرو ارازاه سبلي و مارحالا لبق هدرجي نا يلولل يغبني و  
ءيش ال اروطحم بكترا ولو مارحالا تاروطحم نم هبنجي نا يغبني  
خ. الامهيع

**“Валийга балоғатга етмаган бола эҳромга киришидан аввал уни кийимларини ечиб, унга изор ва ридо кийгазиб қўймоқлиги лозим бўлади. Эҳромга киргач эса, уни эҳромда манъ қилинган ишлардан эҳтиёт қилмоғи лозим бўлади. Мабодо бола манъ қилинган ишлардан бирортасига қўл урса, болага ҳам, унинг валийсига ҳам бирор нарса лозим бўлмайди”** (Фуния жадийд).

### **БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН БОЛАГА ТАМАТТУЪ, ҚИРОН ҚОНЛАРИ ВОЖИБ ЭМАС**

Балоғатга етмаган бола ҳамма қатори таматтуъ қилса, унга таматтуъ қурбонлиги вожиб бўлмайди. Шунингдек, бола қирон қилса ҳам унинг зиммасига қирон қурбонлиги лозим бўлмайди.

غولبل او لقعلاو عتمتلاو نارقلا ءحصو هيع ءردقلا هبوج و طئارش  
خ.

**“Таматтуъ ёки қирон қурбонлигини вожиб бўлишлиги учун унга қодир бўлишлиги, қирон ва таматтуъ дуруст бўлиши оқил ва балоғатга етган бўлиши шартдир”** (Фуния жадийд).

[1] Жамраи ақаба деб, биринчи куни отиладиган тошга айтилади.

[2] Ҳажарни истилом қилиш, тавофга киришишдан олдин бўлади.